Халқ сўзи

**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни**

*Дунёда касблар кўп. Лекин улар орасида фарзанд тарбиясидек масъулиятли, шарафли иш бўлмаса керак. Шу маънода, жиззахлик Мамлакат Эрматова миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга мурожаат қилиб, ўзига хос йўлдан бориб, имконияти чекланган болалар қалбига ҳам қувонч улашаётгани алоҳида ибратга молик.*

*Мамлакат опа вилоят "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази қошидаги Миллий қўғирчоқ театри тўгарагига раҳбарлик қилади. Бугун у ясаган бири-биридан чиройли 400 хилдан ортиқ қўғирчоқларнинг ҳар бири ўзига хос "тарбиячи"га айланган. Улар орқали келажагимиз эгалари оламни танимоқдалар, десак, муболаға бўлмас.*

# Миллий қўғирчоқлар ва фарзанд тарбияси



Беш ёшидаёқ отаси Қодирқул бободан қўғирчоқ ясаш ва уни ўйнатиш сир-асрорларини билиб олган Мамлакат кейинчалик онаси Маърифат опадан миллий матоларимиздан қўғирчоқлар учун мос ва хос бўлган бежирим кийимлар тикишни ўрганди.

Диққатга сазовор томони шундаки, у айни чоғда қизи Маҳлиё Нормуродова билан биргаликда "Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини қўғирчоқлар воситасида тарбиялаш услуби"ни яратди. Шу асосда чоп этилган услубий қўлланмада кичкинтойларни қўғирчоқлар ёрдамида тарбиялаш йўллари батафсил кўрсатиб ўтилган.

— Қўғирчоқлар болажонларимиз учун энг яхши тарбиячидир, — дейди Мамлакат Эрматова. — Бунинг учун ҳар бир ўйинчоқнинг шакли ва мазмунидан келиб чиқиб хатти-ҳаракатларини тўғри йўналтира билиш зарур.

Опанинг фикрича, қўғирчоқлар бола соғлиғига салбий таъсир қилмаслиги лозим. Қўғирчоқлар шафқатсизлик ва зўравонлик хусусиятларига эга бўлмаслиги, болага жисмоний, ақлий, ахлоқий ва маънавий зарар етказмайдиган, бола ҳуқуқи, эркинлиги ва қадр-қимматини таҳқирламайдиган кўринишда бўлиши керак. Қўғирчоқ чиройли, болани жалб қиладиган даражада миллий қадриятларимизни ўзида ифода этиши мақсадга мувофиқ.

Бугун нозик касб эгаси ясаган қўғирчоқлар тарбияланувчиларга ёзиш, чизиш ва ҳисоблашни ўргатиш, уларда мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат рамзлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишда, ўқишга ва табиатга нисбатан қизиқиш уйғотишда, кичкинтойларга бирор байрам, қутлуғ сана ҳақида тушунча беришда жуда қўл келмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қўғирчоқлар билан болажонлар ўзига хос муloқотга киришадилар. Улар орқали бола дунёни англамоқда, миллий қадриятларимизни танимоқда. Болажон қўғирчоғига алла айтиш билан оналарга, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини юрагига сингдиради-да, аҳир.

Таълим-тарбия соҳасининг ҳақиқий жонкуяри, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси Мамлакат Эрматова тарбиячи бўлиши билан бирга, ўзи ясаган қўғирчоқлар тимсолида эзгу анъаналаримизни ардоқлаётгани эъзозга муносибдир. Зеро, давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ўйинчоқлар образи болaнинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсганига қараб белгиланади.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ИЛК САМАРАСИ

**Ўсиб келаётган авлодни ёшлигидан жисмоний тарбия билан шуғуллантириш эртанги кунда ўзининг ижобий самарасини бериши ҳеч кимга сир эмас. Буни тўғри англаган ташкилотлар келажак авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун етарли шароитларни муҳайё қилиб қўйишмоқда. Натижа ҳам кўп куттирмай ўз самарасини бераяпти.**



Биргина мисол, Жиззах шаҳридаги 12-давлат мактабгача таълим ташкилотида бадиий гимнастика тўгараги иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, қўлга киритилаётган муваффақиятлар кишини қувонтиради. Ушбу муассаса тарбияланувчилари Маърифат Юсупова, Мубина Суннатова, Гулжаҳон Муҳиддинова устозлари Наргиза Алимардонова раҳбарлигида Тошкент шаҳрида ўтказилган турнирда иштирок этиб, ўз ёш тоифалари бўйича ғолиб ва совриндорлар сафидан жой эгаллашди.

- Агарда иштирокчиларнинг аксариятини спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар ташкил этганлигини инобатга оладиган бўлсак, қизларимизнинг кўрсатган натижалари албатта қувонарли. Ҳаракат қилсак бундан-да юксакроқ натижаларга ҳақлимиз. Бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам бор, - дейди 12-давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Мамлакат Эрматова.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ИЖОДКОР БОЛАЖОНЛАР МАСКАНИ

**Шаҳримиздаги 12-мактабгача таълим муассасасида 100 нафар болажонлар тарбия олади. Ўратепалик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган масканда болажонлар турли тўгарак машғулотларига ҳам жалб этилган.**

Биргина "Миллий қўғирчоқлар" тўгараги болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Миллий қўғирчоқлар тўгараги раҳбари Ферузa Эрматова кичкинтойларни касбга йўналтириш бўйича иш олиб боради. Бу эса тарбияланувчиларнинг нафақат касб танлашда мақсадини қатъий қўйишга сабаб бўлади, балки қўл моторикасини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, болажонларнинг нутқини ўстириш борасида боғчада ўзига хос тажриба йўли мавжуд. Бу жараёнда тарбиячи ўқиб берган эртак қаҳрамонларини болажонлар ўз қўли билан ясабгина қолмай, уларни ўйнатиб эртакдан парчалар намойиш этишади. Бунинг учун машғулот хонасида махсус саҳна ташкил этилган. Эртакни ўзича талқин этиб, ўйинчоқлар ёрдамида роль ижро этган жажжиларнинг нутқи равон бўлади, бадиий эстетик диди ҳам сайқалланади, санъатга қизиқиши ошиб боради.

Шунингдек, боғчада болажонлар рус ва инглиз тилларини ҳам ўрганиб, бадиий гимнастика билан шуғулланади.

Мадина Ширинова, Лазиза Эрматова, Наргиза Тўлабоева каби тарбиячилар ҳам болажонларнинг дунёни англаб боришига беминнат ҳисса қўшиб келаяпти.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, боғчани 30 йилдан ортиқ вақт давомида мактабгача таълим соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган Мамлакат Эрматова бошқаради. Ҳамшаҳримизни кўпчилик ҳунарманд аёл сифатида билишади. Касбдошлари эса Мамлакат опани болаларнинг ақлий тафаккури ва мантиқий қобилиятини ўстириш, бармоқ ҳаракатларини ривожлантириш ҳамда нутқда нуқсони бор кичкинтойларнинг сўз бойлигини ошириш бўйича изланувчан, ташаббускор ва фидойи инсон сифатида эъзозлашади.

<u>– Болаларни қаттиққўллик билан эмас, аксинча юмшоқ муомала билан тарбиялаш керак. Бирон ҳаракатга тутинган болани чеклаб қўяверишь келажакда уни тортинчоқ, ўзига ишончи суст кишига айлантириб қўяди,</u> — дейди 12-мактабгача таълим муассасасининг мудираси Мамлакат Эрматова. <u>– Шу боис болани бўш қўйиш керак: истаганча шўхлик қилсин, нотаниш кўринган нарса — буюмни ушлаб кўриб танисин. Фақат боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати назорат, эътибордан четда қолмаслиги лозим. Шунда кичкинтой ҳаракатларини бошқариб, унинг натижасини англаб боради.</u>

Таълим масканида нафақат болажонлар жисмоний машқлар билан машғул бўлади, балки боғча опалар ҳам соғлом турмуш тарзи тарафдоридир. Ҳафтанинг пайшанба куни тарбиячи опалар ҳам спорт кийимида жисмоний машқлар билан шуғулланиши йўлга қўйилган. Бу эса болажонларга жуда яхши ўрнак.

Мухтасар айтганда, мактабгача тарбия тизими таълим соҳасининг кейинги босқичлари қандай кечишини кўрсатиб беради. Зеро, илк сабоқ мустаҳкам бўлса, мактаб ва олий ўқув юртида олинган билим сайқалланади.

**Гавҳар ЙЎЛДОШ қизи**





Жиззах шаҳар "Ягона дарча" марказида 2017 йил 24 мартда рўйхатга олинган "WHITE HARD LINE" хусусий корхонаси (РЕЕСТР 1015, СТИР 304 767 743)нинг юмалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

* * *

Шароф Рашидов тумани давлат хизматлари марказида 2019 йил 3 апрелда рўйхатга олинган "ORZU QUSHLARI" МЧЖ (РЕЕСТР 707131, СТИР 306 297 994) ихтиёрий равишда **тугатилади.** Корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб хўжалик-молиявий фаолиятини амалга оширмаган. Даъво аризалари бир ой муддатда Шароф Рашидов тумани, "Зиёкор" маҳалласи, Сангзор кўчасидаги 110-уйда қабул қилинади.

# ЗНАНИЕ ПДД – ПОДМОГА В ЖИЗНИ



«Красный, желтый, зеленый» было темой проведенного в дошкольном образовательном учреждении № 1 Нуратинского района Навоийской области открытого занятия. Сначала детям был продемонстрирован видеоролик об основных правилах безопасности дорожного движения.

Затем детей ждала радостная встреча с мультипликационными героями, которые по сценарию нарушали правила дорожного движения. И чтобы спасти своих любимых персонажей, они указывали их ошибки. Дошкольники повторяли правила поведения на дороге и в общественном транспорте, разгадывали загадки, рисовали волшебные автомобили. Девочки и мальчики активно приняли участие в играх по ПДД и сделали аппликацию с пешеходным переходом и светофором.

# НАУЧИТЬ ДЕТЕЙ ВИДЕТЬ ПРЕКРАСНОЕ

Опыт заведующей ДОУ № 12 города Джизака Мамлакат Эрматовой является образцовым не только для работников системы дошкольного образования республики, но и мира. Для изучения ее профессиональной деятельности приезжали коллеги из Японии, Кореи, России. Поэтому каждый проведенный ею мастер-класс или тренинг для воспитателей проходит как праздник.

Недавно в детском саду прошло очередное такое мероприятие, куда были приглашены работники других ДОУ. Главной целью семинара



было эстетическое воспитание детей посредством кукол, которые у Мамлакат Эрматовой особенные – она сшила их сама. В ходе мероприятия наставник рассказала о том, как изготовляет куклы, как применяет их при проведении занятий.

– Патриотическое воспитание детей мы решили осуществлять через то, что хорошо понятно каждому ребенку – через народное творчество. Кукла – воплощение современного мира детства, когда все вокруг представляется волшебным, живым и обещающим чудо. Они первые пробуждают душу ребенка, воспитывают в нем чувство красоты, любознательности. Именно такой подход в учебно-воспитательной деятельности послужит становлению их в будущем гармонично развитыми личностями.

**Хилола КУРАНОВА**